



ТОШКЕНТ



ОЙШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 77 (9.574) 2001 йил 4 июль, чоршанба Сотувда эркин нархда

XVI сарфоси
Хаср
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъат йиғилишида «Иқтисодиёт соҳалари ва ижтимоий соҳани замонавий энергия тежовчи технологияларга бошқичма-бошқич ўтказишга доир дастурни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.
- Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йиғилишида «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун Бухоро вилоятида қандай ижро этилаётганлиги масала муҳокама қилинди.
- Кеча Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг қўшма мажлисида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.
- Наманган Давлат университетда мамлакатимиз Конституциясини ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ёрдами кўрсатиш юзасидан тиббиёт штаби ташкил этилди.
- Кеча Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида АҚШ мустақиллиги эълон қилинганлигининг 225 йиллигига бағишланган тадбир бўлди. Уни «Ўзбекистон-Америка» дўстлик жамияти уюштирди.
- Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонасида «Самарқанд — хориж мамлакатларининг қадимий ҳамкори» мавзуда халқаро анжуман ўтказилди.
- «Соғлом авлод учун» жамғармаси, унинг Тошкент вилояти бўлими ҳамда вилоят марказий шифохонаси ходимлари Бўстонликдаги оромгоҳларда хордик чиқариётган Хоразм ва қорақалпоғистонлик болаларни тиббий қўриқдан ўтказди.
- Тошкентда Ўсимирлар, ёшлар ва катталар ўртасида самбо бўйича Осиё чемпионати яқундади. Унда 8 мамлакатдан ташриф буюрган 200 нафар спортчи иштирок этди.

Жаҳонда

- Кеча Югославия собиқ Президенти Слободан Милошевич хибсхонадан Гага халқаро трибунаliga олиб келинди. Маълум бўлишича, судда собиқ мулозимнинг оқловчилари ҳам ҳозир бўлишган. Бирок, С. Милошевич ҳозирча уларнинг ёрдамидан воз кечмоқда. Чунки у ўзини мутлақ айбисиз деб билмоқда.
- Франция Президенти Жак Ширак Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин меҳмони бўлди. Ўзаро мулоқотларда россиялик тадбиркорлар ҳам иштирок этишди.
- Бугун НАТО Бош қотиби Ж. Робертсон Киевга келди. Унинг Украина Президенти Л. Кучма ва Бош вазир А. Кинах билан олиб борадиган музокараларининг бош мавзуси Украинанинг НАТО билан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболларига бағишланган кутилмоқда. Ж. Робертсон шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўли» да ҳамкорлик» дастури доирасида ташкил этилган халқаро симпозиумда ҳам иштирок этади.
- Бугун АҚШ Мустақиллиги кўни нишонланмоқда.
- Бугун Қўздусда Исроил ҳукуматининг фаластинликлар билан яқинда имзоланган яраш тўғрисидаги битимнинг бундан бунёнги тақдирини муҳокама этишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтиши керак.
- Россия ва Беларусь Иттифоқи Давлат қотиби Павел Бородин ўз адвокат билан яна сўроқ бериш учун Женевага келди.
- Бугун Конго Демократик Республикаси Президенти Жозеф Кабила Уганда раҳбари Йовери Мусевени билан мулоқот ўтказди.
- Япония ҳукумати иккинчи жаҳон уруши даврида Хитойда қилиб кетган қиммий қуролларни зарарсизлантириш лойиҳасини тасдиқлади. Ҳукумат вакилининг айтишича, ушбу лойиҳа ижросига шу йилнинг ўзига киришляди. У 2002 йилнинг мартида ниҳоясига етиши керак.
- Кеча Хитой мулозимлари АҚШнинг EP-3 русумли айқоқчи самолётининг ярим қисмини қайтарди. Маълумки, мазкур самолёт шу йилнинг 1 апрелидан буён Хитойнинг Хайнан оролида ушлаб турилган эди. Америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, гарчи ушбу самолёт бўлаклари бўлиб қайтарилган бўлса-да, у яна самбога парвоз қилиши мумкин.
- Бугун Венада нефтьни экспорт қилувчи мамлакатлар нефть саноати вазирлари мажлиси очилди.
- 1973 йилда Чили ҳукумати тепасига келган Гуастро Пиночет Сантьяго апелляция судининг уни суд қилиш-қилмаслик тўғрисидаги қарорини шифохонада эшитадиган бўлди. У оғир аҳволда шифохонада ётқизилди. Бугун апелляция суди қарори баён этилади.
- Бугун Югославия федерал парламентининг мажлисида депутатлар мамлакатнинг собиқ президенти С. Милошевични Гага халқаро трибунаliga берилишига қарши норозилик тариқасида ўз лавозимини тарк этишга қарор қилган Бош вазир З. Жинжичнинг истеъфоси тўғрисидаги масалани қараб чиқадилар. Етақисчи З. Жинжич бўлган Черногория Социалистик Халқ партияси мурдадидан илгари парламент сайловларини ўтказишга даъват этмоқда.
- Колумбия инқилобий қуролли кучлари гаровда ушлаб турган 242 нафар кишини озод қилди. Мамлакат Президенти Андрес Пастрана исбени гуруҳларнинг бу ҳаракати ҳукумат билан ўзаро тинчлик музокаралари ўтказилишига катта ёрдам бераётганини айтди.
- АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд келгуси йили харбий харажатларни 7 фоизга ошириш тўғрисидаги лойиҳани қўриб чиқиш учун Конгресс иштироғига топширди. Шунингдек, у Конгрессни мамлакат ичидидаги кераксиз бўлиб қолган харбий базаларни қисқартириш борасида Пентагонга имконият беришга ҳам чақирди.
- Кеча Екатеринбург-Владивосток йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган «Ту-154» самолёти Иркутск атрофида ҳалокатга учради. Унинг ичидида 140 йўловчининг ҳаммаси ҳалок бўлди. Расмий маълумотлар таҳлилига қўра, самолётда бундан ҳам кўпроқ кишилар бўлган, деган тахминлар бор. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг фармойиши билан фожиа сабабларини текшириб қўриш учун махсус комиссия тўзилди.
- Сомали пойтахти Могадишо кўчаларида 10 йиллик танаффусдан сўнг илк бор яна полициячилар пайдо бўлди. Илгари шаҳар кўчалари турли қуролли тўдалар томонидан бўлиб олинган эди.
- Францияда байдарка ва каноэ эшак ашиш бўйича XXX байналмилал регата ўз ниҳоясига етди. Унда 26 мамлакат спортчилари ўзаро беллашди. Ўзбекистондан борган беш нафар спортчи ушбу мусобақада 9 олтин ва 3 кумуш медаль соҳиби бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига

Шаҳримиздаги бош универсал магазин биноси бугунги кунда улкан бир қурилиш майдонига айланган бўлиб, бу ерда 300 нафарга яқин бунёдкор меҳнат қилмоқда. Бино тўла таъмирланган жихоздан чиққач, «Чорсу» савдо маркази номи билан иш бошлайди. Шу боис ҳам бугунги ҳаракат, куч-ғайрат уни замон талаблари асосида хизмат кўрсатувчиларга ҳам, харидорларга ҳам қўлай, бежирим, кўркам қилиб қайта қуриш ва таъмирлашга қаратилмоқда.



Шаҳримиз кўркига мос

Бунёдкорлик юмушларини охирига етказишни пойтахтимиздаги «12-трест» ҳиссдорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси қурувчилари ўз зиммаларига олишган. Ушбу ташкилотнинг 65 нафар энг моҳир ва тажрибали бунёдкорларига эса трестнинг 20-, 52-, 65-

қаҳвахона ва рестороанлар жойлашади. Бино ҳовлиси ва ён-атрофида ҳам қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. 2 қаватли автомобилларни сақлаш жойи жалдан ки бундо шаҳримизнинг бугунги ҳуснига мос бўлмоғи керак.

Ана шу ният йўлида меҳнат қилаётган бунёдкорлар маҳоратларини намоён этишмоқда. Бу қурилиш майдонига ўз касбини эъозловчи қурувчилар кўплай топилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчилар — тикловчилар бригадаси сардори Тоир Далахонов, ғишт терувчилар бригадари Йўлдош Шобилоловлар ҳамда Абдуғаффор Бойматов, Слава Медведев каби бунёдкорлар сидқидилдан меҳнат қилишиб, қурилиш-тиклаш, пардозлаш ишларига муносиб ҳисса қўшишмоқда.




қурилиш бошқармаси, «Чирчиқмонтаж» бошқармаси электрчилар, 3-механизация бошқармаси сантехниклари ва бошқа ёрдамчи пудратчилар кўмаклашишмоқда.

Беш қаватдан иборат бионинг ҳар бир қаватининг ички қисми кўрсатилган хизматига ҳамда харидорларга қўлайлик яратиш мақсадида қайта қурилмоқда ва пардозланмоқда. 1-қаватда электр хўжалиги моллари, 2-қаватда мебель ва гилам савдоси ташкил этилса, 3- ва 4-қаватларда кичик-кичик савдо расталари жойлашади. 5-қаватда эса овқатланиш шохобчалари,

Мустақиллигимизнинг ўнинчи йили байрами арафасида фойдаланишга топширилган бу бино бунёдкорлар ғайрат-маҳорати боис шаҳримиз кўркини очиб, шубҳасиз.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: 65-қурилиш бошқармаси бригадаси бошлиғи АТХам Бегматов ва тикловчи Комил Давидов бажарилган ишларни кўздан кечирмоқда; 50-қурилиш бошқармаси қурувчилари Эргаш Кўчқоров, Дмитрий Кияткин ва Сервар Сейтумеров; бионинг кўркини. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСУЛА сатрларда

□ **МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ** 10 йиллик айёмига муносиб тўхфа сифатида 4,5 гектар майдонни ўз ичига олган Тошкент Давлат консерваторияси янги биносининг қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Замоनावий ва миллий хунармандчилик анъаналарига хос услубда қуриляётган ушбу қурилиш объектнинг янги биноси қурилиши «Турон» марказ қурувчилари бош-қош бўлмоқдалар. Истиқлол арафасида фойдаланишга топшириладиган мазкур санъат даргоҳи биноси ёнида 2 та фавора ҳам бунёд этилмоқда. Айни кунларда ушбу қурилиш иншоотида 700 дан ортиқ электр усталари ва чилангарлар меҳнат қилаётган бўлса, бир-икки кундан сўнг пардозловчилар ҳам фаолият бошлайдилар.

□ **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тилларни ўқитишга мослашган академик лицейда мазкур илм мактаби битирувчиларининг битирув кечаси бўлиб ўтди.

□ **ШУНИНГДЕК**, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти қошидаги коллежда ҳам мазкур илм даргоҳида 3 йил таълим олиб, касб сирларини пухта ўзлаштирган биринчи қалдирғочлар бўлиши битирувчи талабаларнинг устозлари иштирокидаги хайрлашув кечаси ўтказилди. Унда авиация ва самолётсозлик сирларини пухта ўрганган ёшлар устозлари билан хайрлашув туриб, Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бердилар.

□ **ЎТГАН** кун шаҳримиздаги 17-шаҳар клиник шифохонасида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиз шифохоналари раҳбарлари иштирокида ўтказилган хайъат йиғилиши соғлиқни сақлаш Давлат дастурининг бажарилиши ва мазкур дастурнинг иккинчи босқичида қилиниши лозим бўлган вазифаларга бағишланди.

□ **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида бир ҳафтадан бери иқтидорли талабалар иштирокида давом этган «Халқ ижодиёти-2001» фестивали ўтган кун ниҳоясига етди. Айнан шу кун мазкур илм даргоҳини битирувчи йигит-қизларга диплом топириш маросими ҳам ўтказилди.

□ **4-14 ИЮЛЬ** кунлари АҚШнинг Вашингтон шаҳрида 42-халқаро ёш математиклар олимпиадаси бўлиб ўтади. Ўтган кун пойтахтимиздан Вашингтонга ушбу халқаро олимпиадада қатнашиш мақсадида 6 нафар иқтидорли талаба жўнаб кетди. Шуниси қувончлики, Бухарестда ўтказилган ана шундай ёш олимларнинг аввалги беллашувида ҳамюртларимиздан икки нафари олимпиада сертификатини қўлга киритган эди.

□ **БУГУН** Акмал Икромов тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Меҳри» аёллар уюшмаси ташаббуси билан «Оилада аёлнинг тугган ўрни» мавзуда илмий-амалий семинар ўтказилди.

□ **КЕЧА** Яқасарой туманидаги Хуршид номи маданият уйида Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси ва Яқасарой тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман маданият уйи қизлар клуби ва тўғарак азолари иштирокида «Бали, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

□ **МИРОБОД** тумани ҳокимлигида туман аёллар ижтимоий ривожланиш маркази, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, меҳнат биржаси, халқ таълими бошқармаси ва туман хотин-қизлар кўмитаси ходимлари иштирокида аёллар ҳуқуқи масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

□ **СЕРГЕЛИ** туманида айни пайтда туман хотин-қизлар кўмитаси ва ЭКОСАН жамғармаси ҳамкорлигида «Еш она» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

□ **ЎТГАН** кун Тошкентда фаолият кўрсатган «Бритиш американо табакко» қўшма корхонаси янги тамаки махсулоти «Хон ультра лайтс» сигаретасини ишлаб чиқарганлигини эълон қилди.

Меҳнат аҳли манфаатлари йўлида

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги II пленуми бўлиб ўтди.

Унда «Мулкчиликнинг барча туридаги корхона ва ташкилотларда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳамда уларнинг меҳнатини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг самарадорлигини ошириш юзасидан амалга ошириляётган тадбирлар тўғрисида» шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиков маъруза қилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тизимида ўз бераётган туб ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янги ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнатқашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган вазифалар қасаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келганлиги таъкидланди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сўбсати даражасига кўтарилиб, унинг бозор иқтисодиётига ўтишга йўналтирилган машҳур бешта тамойилдан бири эканлиги ўқтириб ўтилди.

Ҳозирги кунда қасаба уюшмаларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий шеркчиликка алоҳида эътибор беришни давр талаб этмоқда. Зеро, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда, ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва рақобатга йўналтирилган маромини излашда ижтимоий шеркчиликнинг аҳамияти катта бўлиб, қасаба уюшмалари иштирокида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи ижтимоий-иқтисодий янада ривожланиши ҳамда меҳнатқашларга ўз вақтида иш ҳақи тўланиши, иш жойлари ташкил қилиниши, ижтимоий ҳимояланмаган аҳолининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши каби долзарб масалаларни ҳал этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоғи даркор.

Анжуманда шаҳар корхоналари ва ташкилотларида иш ҳақидан қарздорлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги, меҳнат аҳлини ҳуқуқий ҳимоялаш каби долзарб масалаларга эътибор қаратилиб, йўл кўйилган қамчиликлар танқид қилинди ва бу масалаларнинг ижобий ечимини топиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳужжат-жамоа шартномаларини тузиш ва қабул қилиш жараёни таҳлил этилиб, ҳуқуқий билим, малакаларнинг етарли эмаслиги бу масалага янада жиддий, масъулият билан ёндашиш кераклиги ўқтирилди.

Шу билан бирга «Она ва бола» Давлат дастури доирасида жамоа шартномаларига қатор имтиёзлар киритилганлиги мамнуният билан таъкидланиб, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг самарадорлигини янада ошириш кераклиги эътибор қаратилди. Анжуманда қасаба уюшмалари ўз олдидиларидаги вазифаларни чуқур аналган ва масъулиятни ҳис этган ҳолда белгилаб олганликлари намоён бўлди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.М.Шоабдурахмонов сўзга чиқди.

Улуғбек ПУЛАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 45-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА
10-Чуқурсой округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси:
Баратов Нуриддин Мансурович — Собир Раҳимов тумани, «Агрегат заводи» акционерлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари

Раис ўринбосари:
Маджидов Шухрат Воҳидович — «Нуроний» жамғармаси Собир Раҳимов туман бўлими раиси

Комиссия қотиби:
Ганихўжаева Мухайё Саидовна — Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Азимов Асқар Аҳмадович — Собир Раҳимов тумани уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи

Назаров Тўрабой Турсунович — «Тошкентмебель» акционерлик жамияти бошқаруви раиси

Толибжонов Сурайё Мираббосовна — Собир Раҳимов тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири

Тўрғунбоев Асилбек Уриналиевич — Собир Раҳимов тумани «Файз-карьер» жамоа корхонаси раҳбари

Шайхова Музаам Ризаевна — Собир Раҳимов тумани 133-мактаб директори

Шодиев Махмуджон Ишпўлатович — Тошкент шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Марказий сайлов комиссияси Раиси Н.КОМИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2001 йил 3 июль.

10 Шу азиз Ватан — барчамизники!



ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

Ўзбекистон — Она Ватаним менинг

Ўзбекистон — Она Ватаним менинг Багри кенг диёрсан, истиқлолинг бор! Шавкатли, ғайратли дўст-аҳил халқинг, Матонатли элингу элатларинг бор!

Серҳосил далалар ва яйловларинг Қаҳрабо, олтинли тупроқларинг бор! Меъмору, боғбону, миришкор ўғлинг Чевару, бокира хур қизларинг бор!

Зиравор, доривор ўсимликка бой Чўлу-сахро, яшил водийларинг бор! Иймонли бахтиёр халқинг, элингинг Толе, бахт, насибаси — маъданларинг бор!

Риёзат, тиббиёт, табиат илмин Оламга ёйувчи олимларинг бор! Жаҳонга доврўгин мактаб элимнинг Танитувчи шоиру бахшиларинг бор!



Меҳнатқаш, жафоқаш, сен улўғ халқим Хали ушалмаган орзуларинг бор! Тарихий қадрият, юрак ҳисларинг Куйловчи қўшиғу ғазалларинг бор!

Ўзга юрта бахтин излаб кетганлар Томчи сув, бир қисм тупроғингга зор! Сен учун жонини фидо қилувчи, Сени ардоқловчи ўғлонларинг бор!

Истиқлол наъшасин сурувчи халқим Туганмас беғубор, бахт-икболинг бор! Хар ишда моҳиру, зукко-тадбиркор Одил Юртбошингу сардорларинг бор!

Дунёни адолат ила тебратган Жаҳонгир Темуру, Бобурларинг бор! Ютугинг, ғалабанг ёниб куйловчи Шоиру қўшиқчи Комилларинг бор!

Комилжон ТУРСУНМЕТОВ, Ўзбекистон Миллий университети профессори, физика-математика фанлари доктори.



ТАДБИРКОРЛИК

Хушбичим кийимлар

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Тальяна» хусусий корхонасининг ташкил тошганига эндигина бир йилдан ошди, лекин тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Эркалар учун хушбичим кийим-кечаклар тайёрлашни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйган корхона тадбиркорлари бозорни ўрганишга, чет эл технологиясидан унумли фойдаланишга, замон талаби асосида иш юритиб, маҳсулот турларига эътибор қаратишга катта аҳамият билан ёндашди. Шу боис ҳам «Тальяна» маҳсулотларига қизиқиш ортиб бормоқда.

— Аввало олдидарига аниқ мақсад қўйдик, — дейди фирма раҳбари Ҳамза Хушвақов. — Бу хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган эркалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эди. Шунинг учун ҳам бугунги кун нафаси билан иш юритиб цехларимизни Япониядан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозладик. Кадрларнинг ҳам энг малакалиларини танладик. Ахир халқимизда «Инсон қўли гул» деган ажойиб нақд борку. Нима учун хорижда тайёрланган маҳсулотларни ўзимизда тайёрлаша бўлмайди? Янги технология, сифатли хом ашё, малакали кадр бўлса буни удалаш қийин эмаслигини биз амалда исботлашни ният қилганмиз.

Корхонада 23 та ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўзимизнинг хом ашё — «Қосонсой текмен» кўшма корхонаси матоларидан тикилаётган эркалар шими, костюм-шимлари бежиримлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, тадбиркорлар маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳам эътибор беришмоқда. Улар ҳозирда эркалар қўйлақлари тайёрлашга киришиш ниятида. Яна қувонарлиси, чет элдан ҳам харидор топшиш мақсадида яқин кунларда Россия давлатида фирма дўкони очилиши мўлжаллашган.

Дилноза ФИЁСОВА

«Оқшом» ГА ХАТЛАР

МУШТАРИЙ ХАБАР БЕРАДИ...

Ўқув юртида қўш тадбир

Яқинда Тошкент Молия институтида «Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш даврида бошқариш муаммолари ва унинг ҳуқуқий масалалари» мавзусида талабалар илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Ушбу конференция катнашчиси менежмент ва ҳуқуқ кафедраси доценти Шоҳия Тўлаганова анжуманининг аҳамияти ҳақида шундай деди:

— Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг тобора яқинлашаётган кутлуг истиқлол айёмига бағишланади. Талабаларни илмий соҳада ишлашга қизиқтириш мақсадида ўтказилган ушбу конференция ёшларни маълум мавзулар бўйича ишлашга, материаллар йиғишга, мустақил фикрлашга ўргатади.

Худди шу кун институтда оммавий спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Ушбу тадбирдан мақсад «Алломиш ва Барчиной» мусобақалари голибларини тақдирлаш ва Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002» мусобақаларига тайёргарлик кўриш эди. Институт бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда кредит-иқтисод факультети 1-ўринни, ётоқхоналар ўртасида бўлган спартакиадада ҳисоб-иқтисод факультети 1-ўринни эгаллади. «Алломиш ва Барчиной» мусобақаси голиблари турли хил совға-саломлар, кўкрак нишонлари билан тақдирландилар.

Азиза ИЛҲОМОВА, талаба.

МАҚТАЙДИ...

Дилдан миннатдормиз

Биз, Файзулла Хўжаев номли маҳалла фахрийлари ҳамда «Калдирғочлар» югурувчилар клуби аъзолари Муқимий номли мусикали театр, Тошкент Давлат цирки ҳамда академик Рус драма театри санъаткорлари жамоасига ўзимизнинг катта миннатдорчилигимизни «Оқшом» саҳифалари орқали билдирмоқчимиз.

Чунки ушбу жамоалар маҳалламиздаги уруш ва меҳнат фахрийларини, азиз болажонларни ҳамиша йўқлаб турадилар. Спектакль ёки концертларга таклифнома юбордилар.

Мана яқинда Муқимий номли мусикали театрининг «Улдинг, азиз бўлдинг» спектакли тақдиротида катнашдик ва бундан ўзимизга катта маънавий озуқа олдик.

Шунингдек, академик Рус драма театрида қўйилаётган қатор спектакллари, Тошкент Давлат цирки усталарининг ажойиб томошаларини, фарзандларимиз эса Ёш томошабинлар театрида қўйилаётган бири-бирдан мароқли, фақат эҳшиликни тараннум этувчи қатор спектакллари мириқиб томоша қилмоқдамиз. Биз маҳалла аҳли бу санъат фидойиларининг ҳимматларини, беминнат меҳр-муруватларини юксак қадрлаймиз ва ҳамиша шундай бўлиб қолишларига ишонамиз.

Маҳалла аҳли номидан:

Умида ва Гўзал ИСАЕВАлар.

ТАШАҚУР БИЛДИРАДИ...

Сўхбати ширин

Ҳамма юкни кўтардим, аммо бурчдек оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан ортиқроқ лаззатни кўрмадим.

Луқмони Ҳаким

Инсоннинг тўрт мучаси соғ бўлмас экан, унга дунё тор бўлиб кўринаверади. Хар бир инсоннинг соғлиги ўз қўлида. Соғлом танда — соғ ақл, дейишимиз ўз саломатлигини кўзлаган хар бир инсонга дахлдор. Хушмуомала, ширин сўз, 1-тоифали шифокор Исмаилов Иброҳимов қарийб 19 йилдан бери эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётган шифокорлардан. У меҳнат қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги 21-шифохонада унинг номини хурмат билан тилга олади. У ҳамиша беморлар дардига малҳам бўлиб, қўли енгил жарроҳ сифатида меҳр қозониб келмоқда. Шунча йиллар давомида озминача беморлар дардан фориғ бўлиб меҳнат қуноғига қайтмадилар, дейсиз. Шифохонадаги таклиф ва мулоҳазалар дафтаридан бу шифокор номига битилган беморларнинг фақат миннатдорлик хатларини ўқийсиз. Биргина мисол:

«Мен Жангоҳ маҳалласи, 11-а-ўйда истиқомат қилувчи пенсионер Олимжон Қосимов, фақат муолажа билан эмас, ширин сўзи билан ҳам беморлар дардига малҳам бўлаётган шифокор-жарроҳ Исмаилов Иброҳимовга оиламиз номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Кейинги вақтларда соғлигим ёмонлашиб, оёғимда шнш пайдо бўлди ва юришга имкон бермай қўйганди. Мана энди дард чекиниб, оёққа турдим. Ўз касбининг фидойилари ҳамиша омон бўлсинлар».

Сўхбати ширин бу шифокор билан сўхбатлашсангиз у гўё психолог-шифокор бўлиб дардингизни тинглайди. Тортинчоқларни меҳрибонлик, нозик табиатларни эҳтиёткорлик, сержаҳл, серзардаларни бардошлилик, ранжиганларни эътиборлилик билан кутиб олади.

Энг юксак мақсадга етса ҳам одам, Тиниб-тинчмайди орзу-тилагини. Эртанинг ташвишини қилмаса, балки Уришдан тўхтайти унинг юрагини.

Абдулла ТОЛИБ, меҳнат фахрийси.

АЖАБЛАНАДИ...

Эътибор қаратишса...

Яқинда йўлим тушиб «Машинасозлар» метро бекати устидаги шохбекатга бордим. Бу ерда 80-йўналиш бўйича шаҳар ичида қатновчи «Мерседес» русумли 67-26 ТНП автобусидаги ёзув мени ҳайратга солди.

Унга «Фрунзе савдо маркази — Госпиталь бозори — Сельмаш шохбекати» деб ёзиб қўйилган. Ваҳоланки, «Госпиталь» эмас, «Миробод» бозори, «Сельмаш» эмас, «Машинасозлар» шохбекати бўлиши керак эмасми? Шунингдек, 24-ҳамда 105-йўналишлар бўйича қатнайдиган автобуслар «ТТЗ-1» даҳасига борсада, уларнинг теласига «Белоножко бекати» деб ёзиб қўйилибди. Суриштирсам «ТТЗ-1» даҳасида Белоножко номли кўча мавжуд бўлиб, автобекат ҳам шу зотнинг номларида экан.

Мазлумки, генерал С.Е.Белоножко Шўролар салтанати даврида мустамлакачиларнинг таянчи — Туркiston харбий округига қўмондонлик қилган. Менинг фикримча, у ҳам халқимиз учун Фрунзе ёки Будённийдан унча фарқ қилмайдиган «арбоб»лардан биридир. Шу боис ҳам ана шу кўчанинг номи бугунги кунда сақлаб қолиниши шарт эмас деб ўйлаган ҳолда, уни бугунги кунимизга мос ном билан атайиши тарафдориман. Шунингдек, автобус саройларининг мутасаддилари ҳам кўча ва хиёбонларимиз, шохбекатларимиз номини тўғри қўйишга эътибор қаратишса, фойдадан холи бўлмас эди.

Даврон МУТАЛОВ, талаба.

Бугунги кунда шаҳримизнинг Бектемир туманида ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ барча кўп қаватли уйлар 9 та ширкатга бирлашган ҳолда иш юритмоқда. Албатта, ширкатга аъзо бўлган уйларда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уй-жойлар аҳволига эътиборни кучайтириш, аҳоли талабини ўз вақтида қондириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунларда барча ширкатларда қузғи-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Шубҳасиз, бунинг учун етарли маблағ ҳам зарурдир. Чунки ўтган мавсумда панд берган камчиликларни тугатиш, носозларни созларига алмаштириш, базиларини талаб даражасида таъмирлашнинг ўзи бўлмайди. Бундай ишларнинг кўпчилиги аҳолидан тушган тўловлар салмоғига ҳам боғлиқда. Ахир бежизга айтишмаган-ку «Сендан угина, мендан бугина» деб.

Аммо тумандаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилиб, қулайлик ҳамда хизматлардан беминнат фойдаланиб, «угина» сини — яъни коммунал хизматлар тўловини вақтида бажармай, қарз ботқоғига ботаётганлар сони камаймаяпти. — Ўтган йилнинг август ойида шир-

катни ташкил этганмиз, — дейди «Қодиржон» ширкати раиси Ирисхон Қурбонова. — Ширкатимизга 28 та турар жой биноси жойлашган. Уларга иложи борича сифатли хизмат кўрсатишга, буюртмаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилаёلمиз. Лекин биз учун асосий ва муҳим муаммо — қарздорлардир. Ҳозирда 3 миллион 200 минг сўм қарзимиз бор.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Ҳақини тўлашни унутманг

Ходимларимиз хар кун ана шу қарздорларнинг «бугун-эртага» деган ваъдаларини эшитишдан нарига ўтишмаяпти. Мана энди охири чорани қўллаб уларни суд орқали ундиришга қарор қилдик.

«Қодиржон»нинг қарздорлари билан танишиб қўйинг-а: Билал Нозим кўчаси, 11-уй, 48-хонадондан Стелла Ефимова 91.805 сўм, 24-хонадондан Тамара Каримова 73.135 сўм, 59-хонадондан Турғунжон Тоирова 70.640 сўм қарзларини тўлашни пайсалга солаётган бўлса, Соловьев кўчаси, 73-уй, 6-хонадонда яшовчи Тамара Мельничко 72.645 сўм, 38-

хонадон соҳиби Раҳмон Байрамов 37.600 сўм қарзларини тўлашни хаёлларига ҳам келтиришмаяпти. Энг ачинарлиси, улар ширкат ходимларининг ҳам, қўни-қўшиларининг ҳам танбеҳларига бепарво бўлиб, уялмай-нетмай эшикни маҳкам қулфлаб ўтиришибди.

«Сувсоз» даҳаси, 34-уй 109-уйда яшовчи Юрий Пак қарздорларнинг

уларга шарт-шароит, имкониятлар ҳам берилмоқда, қарзларини бирданга эмас, балки бўлиб-бўлиб тўлашга ҳам рухсат берилди. Лекин на шароит, на имконият уларни қизиктирмади. Иш жойи, даромади бўлса ҳам «Пул йўқ» дейишдан нарига ўтишмаяпти. Ана шундайлар «Сувсоз» даҳаси, 34-уй, 157-хонадонда яшовчи Шокир Бүриев 91040 сўм, 138-хонадон эгаси Комил Тўхтасинов 62 минг, 8-уй, 1-хонадондан Нина Бигар 87563 сўм, 18-уй 45-хонадондан Анвар Мужафоров 70868 сўм, Остонов кўчаси, 19-уй, 19-хонадондан Фарҳаттали Асрақулов 61495 сўм, 19-уй, 21-хонадондан Барно Бегматова 51.590 сўм, Соловьев кўчаси, 26-уй, 15-хонадондан Андрей Мулкин 61.090 сўм қарз билан пинаги бузилмаганига ҳайронмиз. Ахир улар ўтган ярим-бир йил мубоинада иссиқ сув, совуқ сув, газдан фойдаланган, қишда иссиқ уйда яшаган-ку. Шу боис ҳам «олмоқнинг бермоғи бор» эканлигини ёдда тутсалар ёмон бўлмасди. Ёки уларга судма-суд югуриш, ишонаю маҳаллада юзи шувит бўлиш ёқармикан?! Хар ҳолда инсон қарз билан яшамагани, уни ўз вақтида узгани яхши-да. «Эшигимдан ким қарзимни сўраб келаркин?» деб юргандан кўра юзни ёруғликка, қадди тикликка нима етсин.

Ўз мухбиримиз

